

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги томонидан
2025 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Сўнгги йилларда спорт соҳасига оид **101 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, **2025 йилда 12 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланиб, соҳани ривожлантириш бўйича **9 та** асосий йўналишдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда.

I. Маҳалладан бошлаб оммавий спортни ривожлантириш:

❖ 2025 йилда **“5 ташаббус олимпиадаси”** доирасидаги оммавий спорт мусобақаларида энг оммабоп спорт турлари қамрови **14 тага** етказилди;

❖ мусобақаларнинг ҳудудий босқичи ғолиб ва совриндорларига финал босқичидаги иштироки учун **транспорт, яшаш, овқатланиш** ҳамда **совға харажатлари** марказлашган тарзда доимий тўлаб берилмоқда;

❖ ўтган **2025 йил** давомида ҳар бир маҳаллага оммавий спорт мусобақаларида фойдаланиш учун **ёшлар етакчилари орқали 5 хил номдаги спорт инвентарлари** (*2 тадан волейбол, баскетбол, футбол, гандбол тўплари ва гимнастика ҳалқаси*) етказиб берилмоқда;

Жорий йилда **оммавий спорт мусобақаларини** ташкил этиш орқали **15 млн** нафар аҳолини қамраб олиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар ўтказилган спорт мусобақаларида:

❖ **“Беш ташаббус олимпиадаси”** доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ташкил этилган спорт мусобақаларида **6,6 млн** (*3 млн нафари қизлар*) нафар ёшлар;

❖ **умумтаълим мактаб ўқувчилари** ўртасида **9 та** спорт тури (*қувноқ стартлар, шашка, шахмат, енгил атлетика, мини футбол, волейбол, стол тенниси, стритбол, воркоут*) бўйича спорт мусобақаларида **5,2 млн** (*2,4 млн қизлар*) нафар ўқувчилар;

❖ жорий йилда **янги тизим асосида** Маҳаллалар уюшмаси ва Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда **30 ёшдан юқори бўлган** маҳалла аҳолиси учун **7 та** спорт тури бўйича **“Маҳалла лигаси” 3 босқичда** (*сектор, туман/шаҳар, ҳудуд*) ўтказилди. Мусобақаларда **1,6 млн** (*845 минг аёллар*) нафар аҳоли;

❖ умумтаълим мактаб ходимлари ўртасида **3 босқичли** (*сектор, туман, ҳудудий*) спорт мусобақаларида **280 минг** (*101 минг аёллар*) нафар ходимлар иштирок этди.

❖ туман/шаҳар босқичида ғолиб ва совриндор бўлган **125 минг** нафарга яқин ёшларга **футболка, шортик ва кепка**;

❖ жорий йилнинг ўзида **ҳудудий** ва **финал босқичида** ғолиб ва совриндор бўлган **19,8 мингдан ортиқ** ёшларга спорт экипировкалари ҳамда қимматбаҳо совғалар берилди.

Шунингдек, **адаптив спорт турлари** бўйича оммавий спорт мусобақалари янги тизимга асосан (*аввалги йилларда фақат 30 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлганлар ўртасида ўтказилган*) **18 ёшдан** катта ногиронлиги бўлганлар ўртасида **7 та** спорт туридан **3 та** босқичда (*туман – вилоят – республика*) спорт мусобақалари ўтказилди.

Ушбу мусобақалар туман (шаҳар) **“Инсон”** ижтимоий хизматлар марказлари ва уларнинг маҳаллага бириктирилган **ижтимоий ходимлар, ёшлар етакчилари** ҳамда спорт мактаблари **селекционер-тренерлари** масъул бўлди.

Ушбу мусобақаларда **жами 71 минг** (*32 минг аёллар*) нафар **ногиронлиги бўлган шахслар** қамраб олинди.

❖ ногиронлиги бўлган шахсларни оммавий спортдаги қамрови сўнги **уч йилда 12 минг** нафардан **71 минг** нафарга оширилди.

II. Аҳолининг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш:

❖ **2023 йилдан** аҳолининг барча қатламларини **спортга қизиқтириш** бўйича **7 ёшдан 70 ёшгача** бўлган (**11 та ёш тоифаси**) аҳолининг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш тизими жорий этилди;

❖ бунинг учун алоҳида **электрон платформа** ишга туширилиб, **умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан бошлаб** босқичма-босқич спорт синовлари қабул қилинмоқда;

❖ **2025 йилда** бу кўрсаткич **5,1 млнга** етказилди.

❖ жорий йил якунига аҳоли ва **идора ва ташкилотларда** фаолият юритаётган **150 минг** ходимлардан спорт синовлари қабул қилинади ҳамда йиллик қамров **5,2 млн** нафарга етказилади.

III. Спорт таълими тизимини такомиллаштириш:

❖ **310 та** спорт мактаблари фаолияти фақатгина **профessional спортчилар захирасини яратиш эмас**, балки **оммавий спортни ривожлантириш** ва **селекция** ишларини ташкил қилишга йўналтирилди;

❖ ҳар бир тренер ёшлар етакчиси билан бирга **маҳаллаларга бириктирилиб**, оммавий спортни ривожлантириш бўйича алоҳида вазифа юкланди ҳамда **2025 йилда “5 ташаббус”** спорт мусобақаларидан **28 минг** нафар иқтидорли ёшлар спорт мактабларига **селекция** қилинди;

❖ **спорт билан доимий шуғулланувчилар** контингентини **1 миллионга етказиш** топшириғи асосида, спорт мактабларида спорт гуруҳларини тўлдириш **меъёрлари қайта кўриб чиқилди**;

❖ спорт гуруҳларига спортчиларни қабул қилишнинг **минимал, оптимал** ва **максимал миқдорлари** белгиланиб, спорт билан доимий шуғулланувчилар қамрови **337 мингдан 570 минг** нафарга етказилди;

❖ **спорт клубларида шуғулланувчи ёшлар қамровини кенгайтириш** ва **хусусий сектор билан спортчи тайёрлаш борасида ҳамкорликни яратиш** мақсадида, клублардаги ёшлар қамровидан келиб чиқиб, уларни **спорт инвентарлари** ва **давлат спорт иншоотларидан бўш вақтларида бепул фойдаланиш** тизими жорий этилмоқда;

❖ спорт билан доимий шуғулланувчилар **давоматини рақамлаштириш** ҳамда **Давлат бюджети маблағларидан** адолатли фойдаланиш мақсадида **“Face ID” тизими** ишга туширилди ва **янги ўқув йилидан қатъий тартибда** ушбу тизимга ўтилди;

❖ **264 та (223 та** спорт мактаби ва **41 та** ихтисослаштирилган спорт мактаби) спорт-таълим муассасаларида **Паралимпия бўлимлари** ташкил этилиб, **доимий шуғулланувчи** ногиронлиги бўлган шахслар **11 минг** нафарга етказилди;

❖ **Бош прокуратура, Ҳисоб палатаси** ва **молия органлари** билан бирга тизимда **самарасиз** ва **бир-бирини такрорловчи** штат бирликлари **оптималлаштирилиб**, Давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш чоралари кўрилмоқда.

IV. Миллий терма жамоалар захирасини яратиш:

❖ **Олимпия** ва **паралимпия** марказларида **ижодий имтиҳонларни** адолатли ҳамда шаффоф ташкил қилиш бўйича **электрон баҳолаш тизими** йўлга қўйилди;

❖ ўқув жараёнини ташкил этишда **рақамлаштириш** тизимини жорий этиш орқали **инсон омили аралашуви** ва **коррупцион ҳолатларга** чек қўйилиб, шаффофлик таъминланмоқда.

❖ **жорий йилда** спортчи-ўқувчилар натижаларини **баҳолаш бўйича аттестация ўтказилиб 457 нафар** спортчи-ўқувчи Марказдан четлатилиб, ўрнига **Ўзбекистон чемпионати** ва **кубокларида** ғолиб бўлган иқтидорли ёшлар танлаб олинмоқда;

❖ бугунги кунда **Олимпия ва паралимпия марказларида** миллий терма жамоаларга **спортчи етказиб бериш** кўрсаткичи **38 фоизга** етказилди;

❖ **йил якунига қадар** терма жамоаларга **спортчи етказиб бериш** кўрсаткичи **39 фоизга** етказилади.

V. Спорт инфратузилмасини ривожлантириш:

❖ **2025 йилда** спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган ҳамда олис ва чекка ҳудудларда жойлашган маҳаллаларда **355 мингдан ортиқ** намунавий типдаги **спорт майдончалари** барпо этилди;

❖ Жорий йилда **400 та** маҳаллага **спорт майдончалари қурилиши** учун ер майдони ажратилиб, улардан **393 тасида** қурилиш ишлари бошланган;

VI. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси дастури:

❖ **2025 йилда** жами **243,9 млрд** сўмлик **16 та** спорт объектлари **қуриш, реконструкция қилиш** ва **мукаммал таъмирлаш** ишлари амалга оширилди.

*Маълумот учун: **109,0 млрд** сўмлик **8 та** янги қурилиш, **118,8 млрд** сўмлик **7 та** реконструкция қилиш ва **3,7 млрд** сўмлик **1 та** мукаммал таъмирлаш объектлари. (лойиҳа қидирув ва кредитор қарздорликлик 16,1 млрд сўм)*

❖ жорий йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожлантириш дастурида спортга оид **230,0 млрд** сўмлик **13 та** спорт объектларида (шундан, **1 та** Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан **100,0 млрд** сўм) **қуриш, реконструкция қилиш** ва **мукаммал таъмирлаш** амалга оширилмоқда.

*Маълумот учун: **122,6 млрд** сўмлик **6 та** янги қурилиш, **97,1 млрд** сўмлик **7 та** реконструкция қилиш объектлари. (лойиҳа қидирув ва кредитор қарздорликлик 10,3 млрд сўм)*

– **4 та** **Олимпия ва паралимпия марказида** **5 та** янги қурилиш;

– **6 та** **спорт мактабларида** **1 та** янги қурилиш, **5 та** реконструкция;

– **3 та республика миқёсидаги** спорт ташкилотларида **1 та** янги қурилиш, **3 та реконструкция** ишлари амалга оширилмоқда.

❖ мазкур объектларнинг **2 таси** олдинги йиллардан ўтувчи ва **11 та** янгидан бошланадиган спорт объектлари ҳисобланади;

VII. Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш:

❖ Миллий терма жамоалар аъзолари 2025 йилда **9 306 нафарга** (**5 864 нафар** асосий ва **3 442 нафар** захира) етказилди;

❖ **олимпия спорт турлари** бўйича **Осиё** ва **Жаҳон** ҳамда комплекс мусобақаларда спортчиларимиз томонидан жами **744 та**, шундан **219 та** олтин, **221 та** кумуш ва **304 та** бронза медаллар қўлга киритилди;

❖ **Якутск шаҳри**да “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинларида **88 та** (**36 та** олтин, **31 та** кумуш ва **21 та** бронза) медал билан умумжамоа ҳисобида **1-ўринни**, шунингдек, Ўзбекистон ўз тарихида **илк бор** комплекс мусобақаларда умумжамоа ҳисобида **1-ўринни** қўлга киритди.

❖ **IX-қишки Осиё ўйинлари** Ўзбекистон ўз тарихида энг кўп атлетлар билан, яъни **6 та** спорт тури бўйича **24 нафар** спортчи билан иштирок этди.

Мусобақа якунига кўра Ўзбекистон спорт делегацияси **ўз тарихида** **фигурали учиш** спорт турининг **жуфтлик** дастурида **илк олтин** медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида **5-ўринни** эгаллади.

❖ **Бутунжаҳон ёзги “Универсиада”** ўйинларида спортчиларимиз **5 та** спорт тури бўйича (*сузиш, бадий гимнастика, енгил атлетика, таэквондо ВТ, дзюдо*) **4 та** олтин, **4 та** кумуш ва **7 та** бронза жами **15 та** медаль қўлга киритди.

Шунингдек, **2025 йилда** спорт турлари бўйича бир қатор **Жаҳон чемпионатлари** Ўзбекистонда ўтказилди. Хусусан, **2025 йил 21 июль - 4 август** кунлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида **U-19 ёшлар** ўртасида **волейбол** Жаҳон чемпионати ўтказилди.

VIII. Спорт соҳасини рақамлаштириш:

❖ **бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш**, тизимда **коррупцияга қарши курашиш** бўйича **24 та** ахборот тизимини ўз ичига олган “ERP-Sport” тизими **тўлиқ ишга туширилди**;

❖ Жисмоний тарбия ва спорт университети, Олимпия ва паралимпия марказлари, давлат мактаб-интернатларида **ижодий имтиҳонларни қабул қилиш** тизими **тўлиқ рақамлаштирилди**;

❖ ушбу тизим **УзАСБО платформаси билан интеграция** қилиниб, спорт соҳасидаги **барча ташкилотлар** ушбу тизимга **тўлиқ уланмоқда**;

❖ бугунга қадар **“ERP-Sport”** тизими орқали реестрдаги мавжуд **162 та спорт тури**, **31 минг** нафардан ортиқ **спорт соҳадаги ходимлар**, **3 минг** нафардан ортиқ **ҳакамлар фаолияти** ва **19 та давлат хизматлари** (сервислар билан) **рақамлаштирилди**;

❖ тизимдаги **369 та** спорт-таълим муассасалари **электрон рўйхатдан ўтказилди** ҳамда ушбу муассасаларда **46 336 та спорт гуруҳлари** шакллантирилди;

❖ **215 минг** нафар **разряд** ва **унвонга эга спортчилар** маълумотлари шакллантириб чиқилиб, **152 минг** нафардан ортиқ спортчилар **“спортчи паспорти”** (ID-карта) билан таъминланди;

❖ Спорт соҳасида **“Давлат хизматлари”** ахборот тизимини жорий этиш орқали **янги электрон давлат хизматларини кўрсатиш** йўлга қўйилди ва бу билан **хизматлар кўрсатиш улуши 2 баробарга** оширилди;

❖ вазирлик ҳузурида **“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ** ташкил этилиб, унинг таркибида **“Алоқа маркази”** фаолияти йўлга қўйилди.